



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Биз янги Ўзбекистонни халкимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормокда”.

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 18-mart, chorshanba * № 12 (1176)

МАТБУОТ — МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ



Зеро, жамиятда “тўртинчи ҳокимият” ҳисобланган матбуот ўзидан юқоридаги суд, ижро ва давлат ҳокимиятлари билан биргаликда иш кўриш орқалигина ўз функцияларини амалга оширади.

⇒ 4-бет



БЕДОР ҚАЛБ БИТИКЛАРИ

Албатта, кичик бир дил изҳорида “Ҳақиқат жамоли”дек йирик китобнинг, бир-бирдан сермазмун, нафис битикларнинг барча хусусиятларини таъриф-тавсиф этиш мушкул. Қолаверса, бу синчков, билимдон соҳа мутахассисларига ҳавола. Мен бир оддий қаламқаш, мухлис, бадий сўз шайдоси сифатида мутолаа жараёнида туғилган таассуротларимни, завқ-шавқимни, ҳаяжонимни имкон қадар ифодалашга интилдим, холос.

⇒ 7-бет

НАВРЎЗОЙИМ ЁКИ САНГАРДАК ШАРШАРАСИ



...Кексаларнинг айтишича, улкан қоялар бағридан отилиб чиққан Сангардак шаршараси Наврўзойимнинг кўз ёшлари, қишин-ёзин кўкариб турадиган сумбуттол навдалари сочининг толлари экан...

⇒ 8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОШИРЛИК ВА МАТБАА СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада матбаа ва ноширлик соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, босма маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, матбаа ва ноширлик соҳасида ҳозирги кундаги ишлар аҳволи матбаа ва ноширлик ташкилотлари ўртасида рақобат муҳитини кучайтиришни, муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини чеклаш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни чоп этиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ноширлик ва матбаа соҳасида давлат аралашувини кескин камайитириш, нашриёт ва матбаа соҳасида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, таълим муассасалари учун сифатли дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар етказилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик):

2020 йил 1 октябрдан бошлаб республика бюджетни маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда (қайта нашр этишда) нархларни давлат томонидан тартибга солишни (рентабелликнинг чекланган даражасини белгилаш) бекор қилиш;

(Давоми 2-бетда).



ЗУЛФИЯ

Баҳор

Исон кўзларида эсон олар баҳор,
Барча томирида унинг тўлқини.
Ўтмишининг беҳуда они каби қор,
Без, бедорд эриб кетар учқунни.

Исон кўзларида эсон олар баҳор,
Ўйинқароқ гўдак сингари булут.
Кўк қовоғи уюқ, ёрқин бир виқор
Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.

Баҳорнинг сеҳрлар боқий чиройи
Ёниу кекса кўнглини овланди бирдак.
Кўзунинг синдириб ташлар. Киройи
Хар кишининг ёши бу фасл дилдак.

Хар нурга, ҳар қушга, ҳар қуртакка шод
Бениҳоя яқин бўлади йироқ,
Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод,
Хар тикилган чигит кўксинг-этар тоғ.


Баҳор бўлмасайди, одамзод албат,
Ўзи кашф этароқ.

кашф этгандай бахт...

«Миллион жасажжи фонус ёқди дарахтлар...»

ЎҒДУ

СЎЗНИНГ ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ



Донишмандларнинг “Китоблар бизнинг энг содиқ дўстларимиздир. Улар бизни алдамайди, ёнимизда туради, чорасизликда ташлаб кетмайди” деган сўзлари дунёда китобчалик ҳолис маслаҳатчи йўқлигини англатади. Китоблар ўқитади, ўргатади, қийналганда йўл топиб беради. Бироқ ҳеч вақт ҳеч нима таъма қилмайди.

Китобга муносабат турли замонларда турлича кўринишда бўлган. Ёқилган, топталган, ўғирланган китоблар ўтган асрларнинг ярадор харитаси янглиғ ўтмишга ўз аксини ташлаб турибди.

Бугун эса китобга бўлган муносабат тамоман янгиланди, янада тиниқлашди. Китоб эртанги кун учун очилгувчи эшик эканлигини ҳаёт аниқ-тиниқ кўрсатиб турибди. Китобларда диҳжаллаб йиғилган сўзлар сабаб инсоннинг юрагида мангу ёниб турган олов ҳайкали пайдо бўлди. Бу олов, бу ҳарорат ҳар бир асрни ўз тафти билан иситмоқда.

Халқимизнинг, адабиётимизнинг дўсти бўлган, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг қуйида сиз азиз муштарийларимиз эътиборига ҳавола этилаётган ушбу мақоласи ҳам китоб, унинг манзил ва ҳудуд билмас миқёси, қадри ва қиймати ҳақида уйга толдиради.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

Янги раҳбар сайланди

Наманган шаҳрида вилоят журналистлари фаолларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Уюшманинг вилоят бўлимига «Наманган ҳақиқати» газетаси бўлим мудири Носиржон ДЕҲҚОНОВ (Носир АББОС) бир овоздан раис этиб сайланди.

Шу вақтга қадар бу лавозимни Маҳмуджон ПАРПИЕВ бошқариб келган эди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланиб, айни пайтда Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда.

Танқидий ва самимий руҳда ўтган йиғилишдан сўнг “Янгиланишлар жараёнида журналист маҳорати ва касб этикаси” мавзусидаги конференцияси ўтказилди. Унда бугунги кунда вилоят журналистлари олдига турган вазифалар муҳокама қилинди ва истиқбол режалар белгилаб олинди. Тадбирда муваффақият билан фаолият олиб бораётган туман газеталаридан бири “Норин овози” газетаси жамоаси ва вилоятнинг бир қатор фаол журналистларига Журналистлар ижодий уюшмасининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла ҲАКИМОВ ва Наманган вилояти ҳоқими ўринбосари Паҳриддин Матқаримов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



ШУНДАЙ ДЕДИ

Бехзод МУСАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси раиси:



Шуқур қилиб айтишимиз керак, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотли билан ўзини-ўзи таъминлай оладиган мамлакат. Гўшт маҳсулотли бўладими, поллиз маҳсулотими, ҳамма маҳсулотлар ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак. Одамларимиз ваҳимага тушмаслик учун айтмоқчиманки, ҳукумат томонидан бундай вазият доимий асосда назоратга олиб борилади. Нафақат Тошкентда, балки ҳудудлардаги бозорларда ҳам. Бирорта бозор, бирорта савдо дўкони, бирорта овқатланиш шохобчаси ёпилишига йўл қўйилмайди. Бозорларимиз жуда ҳам тўқин-сочин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НОШИРЛИК ВА МАТБАА СОҲАСИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).

2020 йил 1 июлдан бошлаб ноширлик фаолиятини лицензиялаш ҳамда матбаа фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартибларини бекор қилиб, ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш тизимини жорий қилиш;

2021 йил 1 январдан бошлаб ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фондига ажратмаларни бекор қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ноширлик ва матбаа корхоналари, шу жумладан, давлат буюртмасини бажарувчи корхоналар нархни шакллантириш сиёсатини бозор механизмлари асосида эркин шакллантиради;

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат буюртмаси асосида босма маҳсулотлар, шу жумладан, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳам қатнашиши мумкин бўлган, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда мазкур тартиб корпоратив буюртмачилар учун ҳам мажбурий ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ноширлик ва матбаа фаолиятини юритишни бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Агентлик ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

"Ўзбекистон наشريёт-матбаа ижодий уйи", "Ғафур Ғулум номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи" ва "Ўқитувчи матбаа уйи" давлат корхоналарини ўрнатилган тартибда хусусийлаштириш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш;

"Кўзи ожизлар босмахонаси" давлат корхонасини Давлат активларини бошқариш агентлигига самарали фойдаланиш учун ўтказиш;

"Ўқитувчи илмий-методик наشريёт маркази" давлат корхонаси ва Агентлик ҳудудий бўлиналари тизимидаги (Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари) наشريётлар фаолиятини тугатиш;

Агентлик тизимида "Ўзбекистон наشريёти" давлат корхонасини ташкил этиш, унга "Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи" ва "Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий наشريёти" давлат корхоналарини қўшиб олиш ҳамда "Ўзбекистон наشريёт-матбаа ижодий уйи" давлат корхонасининг ноширлик базасини, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Н.Арипов) икки ҳафта мuddатда мазкур бандда назарда тутилган давлат корхоналарини баҳолаш, қайта ташкил этиш, савдога қўйиш ва тугатиш графикларини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) бир ой мuddатда "Ўзбекистон наشريёт-матбаа ижодий уйи", "Ғафур Ғулум номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи", "Ўқитувчи матбаа уйи" ва "Кўзи ожизлар босмахонаси" давлат корхоналарини белгиланган тартибда қабул қилиб олсин;

б) халқаро аудит ва консалтинг ташкилотларини жалб қилган ҳолда икки ой мuddатда:

давлат иштирокидаги наشريёт-матбаа корхоналарини хусусийлаштиришга тайёрлаш ва уларнинг

жозибдорлигини ошириш бўйича ҳар бир тадбирни аниқ амалга ошириш мuddати ва масъул шахслар кўрсатилган чора-тадбирлар режаларини тасдиқласин;

белгиланган тартибда сотилмаган ҳамда тугатилган наشريёт-матбаа корхоналарининг мол-мулкидан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки: Агентликнинг тугатилаётган наشريёт ташкилотларига тегишли мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари (дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларга нисбатан ҳуқуқлар бундан мустасно) янги ташкил этилаётган "Ўзбекистон наشريёти" давлат корхонасига ўтказилди;

Агентликнинг наشريёт ташкилотларининг дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларга нисбатан мавжуд мутлақ муаллифлик (ноширлик) ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига бегараз ўтказилди;

таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқлангани шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим муассасалари, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг барча синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг фойдаланиш (янги ва қайта нашр этиш даврийлиги) мuddатларини белгилаш, шунингдек, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда умумий ўрта таълим муассасалари барча синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни қўшимча чоп этиш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин. Бунда, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда:

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини қайта кўриб чиқиб, тубдан такомиллаштириш;

Марказга умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш бўйича муаллиф ва тузувчиларни танлаш, яратилган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертиза қилиш, синовдан ўтказиш, уларни таълим тизимида қўллаш бўйича илмий хулоса бериш вазифаларини юклаш;

таълим соҳасидаги дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, уларда хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, давлат буюртмасига асосан тайёрланадиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларни Халқ таълими вазирлигига ўтказиш;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш билан боғлиқ илмий-техникавий лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиладиган илмий ходимларни бажарадиган илмий-техникавий ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда муайян мuddатта шартнома асосида ишга қабул қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фондиди янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Агентлик, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш муаллифларнинг биринчи китобла-

рини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б.Ходжаев) бир ой мuddатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган матбаа маҳсулотларининг таннархини камайтириш мақсадида импорт қилинаётган хомашёлари (қоғоз, картон, бўёқ ва елим) ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантирсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этиш ва қайта нашр этишга тендер (танлов) савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсин.

11. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига ахборот, ноширлик ва матбаа соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколати юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида ноширлик фаолияти соҳасидаги таълим йўналишларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги икки ой мuddатда хорижий давлатлар таълим тизимида фойдаланилаётган STEAM фанлари (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат, Mathematics

– математика) бўйича замонавий дарсликларни республика умумий таълим муассасаларида татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Агентлик икки ой мuddатда: Адлия вазирлиги билан биргаликда ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

наشريёт ва матбаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларини қайта кўриб чиқсин ҳамда замон талабларига жавоб берайдиган норма ва нормативлар жумладан, ижодий ишларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш учун Ёзувчилар уюшмасининг хулосасини олиш амалиётини бекор қилиш чораларини кўрсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда ноширлик ва матбаа соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

"Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим муассасалари учун полиграфия маҳсулотларининг хафсизлиги ҳақида умумий техник регламентни халқаро талабларга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 16 март

Ш.МИРЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва
Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш
"Илҳом" жамоат фонди

халқимизни, юртимиз меҳмонларини ва барча
ОАВ ходимларини ҳамда жамики ижод аҳлини
яқинлашиб келаётган миллий, шарқона янги
йилимиз бўлиши – Наврўзи олам билан самимий
муборақбод этади.

Янгилашни, яшарни фасли бўлган гўзал ва
мафтункор Наврўз айёми ҳар бир хонадонга
қут – барака, яхшилик ва эзгуликлар олиб келсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамшиша
мусаффо бўлсин!



САБОҚ

МАТБУОТ — Маънавий булоғи



Маълумки, жамиятда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни беқиёсдир. Инсоният давр одамлари ақл-тафаккурининг бемисл ютуқларини газета ва журналлар, радио ва телевидение, ахборот агентликлари ва интернет тармоғи орқали англаб етмоқда. Утган асрда сохта гоаялар соясида қолиб, оммага етиб бормаган ҳаёт ҳақиқатлари эндиликда кенг ва ҳар томонлама ўз ифодасини топмоқда. Мустақиллик ана шундай имкон яратди.

Матбуотнинг асосини реал воқелик ташкил этади, у ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг туб сабабларини ўзида акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади ҳамда воқеликка қайтадан таъсир кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, матбуот — ҳаётнинг ўзидан қайнаб чиқиб унга ҳаётбахш оқим сифатида қайтадан қўйилувчи маънавий чашмадир.

мизнинг, энг муҳим, долзарб масалаларини ёритишда, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, ҳар тарафлама янада юксалиш гоаяларини омма онгига сингдиришда фаол хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" газетасига йўллаган табригида газета зиммасига: "Газета юртимизда демократик ислохотлар, ҳудудлардаги беқиёс бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг аҳамияти ҳамда натижаларини ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, аҳоли вакиллари ва жамоатчилик фикрини шакллантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлилий материаллар орқали дадил кўтариб чиқиб, ахборот майдонига муносиб ўрин олиш", каби вазифаларни юклаган эди.

Бу вазифалар юртимиздаги барча мавжуд оммавий ахборот воситаларига ҳам тегишлидир. Матбуот ҳаётдаги факт, ҳодиса ва воқеаларни бемалол, монеликларсиз, умуминсоний нуқтаи назардан, ҳолис, илмий-объектив таҳлил қилар экан, унинг ҳаётга таъсири шунчалик ортади. Ана шу ижтимоий вазифани яхши англаш, унга хизмат қилиш ҳар бир журналистнинг бурчи ва кундалик ишидир. Матбуот саҳифаларида танқидий материаллар қатори, жамиятдаги ижтимоий камчилик ва нуқсонларни енгил кулгу орқали бартараф этишга хизмат қилувчи ҳажвий публицистика жанрига етарли ўрин бериш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот зиммасида турувчи ижтимоий вазифаларнинг муҳим босқичини — таъсир функцияси белгилайди. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий онг кўриниши сифатида ижтимоий борлиқни тасвирлаб, уни билиб, тадқиқ этиш билан чекланмасдан, унга қайтадан таъсир ҳам кўрсатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, газеталарда чоп этилган материаллар ўқилиб, эшитилиб, кўрилибгина қолмасдан ҳаётга ўзгариш ҳам ясаши керак. Матбуотнинг таъсир функцияси унинг таъсир ва таҳлил амалиётлари билан чамбарчас боғлиқ, яъни у мазкур икки ижти-

мой вазифанинг мантқий давоми ҳисобланади. Қайси матбуот наشري, оммавий ахборот воситалари ҳаётни кенг, ҳолис ва керакли даражада ёритса, ҳудди шу тарзда чуқур таҳлил қилса унинг таъсири ҳам юқори даражада бўлади. Аксинча, ҳаёт воқеалари саёз, бир ёқлама, шунчаки, баландпарвоз тарзда таъсир этилса ва таҳлил ҳам юзаки бўлса таъсир ҳам шунга яраша кўриниш олади.

Матбуотнинг ҳаётга таъсири икки хил: бевосита ва билвосита бўлади. Бевосита таъсир ҳаёт воқеаларининг тасвири ва таҳлил орқали ўқувчилар онгига, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишидир. Бу — материалларнинг таъсирчанлиги, муҳимлиги, қизиқарлиги, факти, тузилиши, маҳорат билан ёзилганлигига боғлиқ. Бунга матбуотнинг тасвир ва таҳлил амалиётларини етарли даражада баҳарлиши орқали эришилади. Матбуотнинг таъсир функциясини баҳаришда жамоатчилик фикрини шакллантириш асосий ўрин тутди. Жамоатчилик фикрини акс эттириш — журналистика ва публицистиканинг бош масаласидир. Матбуотнинг ҳаётга билвосита таъсири эса материалларнинг самарадорлиги, яъни натижа бериши билан ўлчанади. Газетада кўтарилган ҳар қандай муаммо ҳал этилса, танқидий чиқишлар ўз самарасини берса ва жамият бошқарувининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти аралашуви натижасида ҳаётга тадбиқ этилсагина вазифа баҳариланган бўлади.

Яна шунга айтиш керакки, ҳозирги кунда матбуотнинг таъсир функциясининг амалга оширилишида айрим камчиликлар мавжуд. Айтилик, газета ва журналлар саҳифаларида босилган танқидий материалларга тегишли ташкилотлар ўз муносабатларини бил-

дирилари шарт, агар бу муҳим иш амалга оширилмаса оммавий ахборот воситалари ёритган муҳим масалалар, танқидий материаллар қоғозда, экранда ёхуд интернет саҳифасида қолиб кетаверади. Афсуски, бугунги кунда матбуотда кўтарилган масалаларга, айниқса, танқидий чиқишларга аксарият давлат ва нодавлат идораларнинг муносабати кўнгилдагидек эмасга ўхшайди. Гўёки улар ўзларини билмаганга, кўрмаганга олиб "жим" юришини асло оқлаб бўлмайди. Зеро, жамиятда "тўртинчи ҳокимият" ҳисобланган матбуот ўзидан юқоридега суд, ижро ва давлат ҳокимиятлари билан биргаликда иш кўриш орқалигина ўз функцияларини амалга оширади. Қоғозда ёзилган, ёхуд эфирда айтилган, телевизор экранларида кўрсатилган, интернет тармоқларида келтирилган танқидий материаллар, мулоҳаза ва муҳокамалар ҳаётга тадбиқ этилади ва бундан жамият ҳам фойда кўради.

Республикамизда жорий этилган фуқароларнинг фикр ва шикоятларини қабул қилиб, уларни ҳал этувчи халқ қабулхоналари матбуот материалларига кўпроқ эътибор қаратишса, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган танқидий чиқишлар, тақлиф ва мулоҳазалар тегишли ташкилотлар томонидан текширилиб, керакли чоралар қўлдан келгунча матбуотнинг таъсири янада ошади.

Демак, матбуот фаолиятининг ўзагини ташкил этувчи таъсир, таҳлил ва таъсир функциялари бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳаёт билан биргаликда янада тараққий этиб, такомиллашиб, янгидан-янги қирраларга эга бўлиб бораверади.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ, филология фанлари доктори.

МЕДИА-ТУР

Мамлакатимизда улкан ислохотлар ва эврилишлар жараёни кечмоқда. Ўзбекистонни биргаликда қуриш иштиғида меҳнат қилаётган халқимиз руҳиятидаги кўтаринкилик калам аҳлини ҳам илҳомлантираётти. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ журналистлар Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида ташкил этилган медиа-турда иштирок этишти.

Тадбирда катнашган 30 нафар журналистлар дастлаб тумандаги Фаргона шаҳарчасида қад ростлаган "Сардоба текстиль" маъсуляти чекланган жамиятида бўлишти. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар масалалари бўйича ўринбосари Алишер Ҳайдаров бизни йўл-йўлакай туманда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириб борди.



Обод манзиллар таассуроти

Дов-дарахтлар билан бурканган қўшқаватли бино ҳовлисида қарши олган жамият раиси Нурилла Абдураҳмонов қорхона ўз фаолиятини 2013 йилда бошлагани, дастгоҳлари хориждан келтирилгани, айни дамда қорхонада 90 нафар хотин-қиз иш билан таъминлангани хусусида маълумот берди.

"Сардоба текстиль" МЧЖда трикотаж маҳсулотлари асосан пахта хомашёсидан тайёрланади. Хорижда ҳам ўз харидорлари бор. Ҳозирда қорхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 100 фоиз Россияга экспорт қилинмоқда. Бу ерда тайёрланган майкалар, кўйлақлар, бош кийимлар кўримлиги ва пишиқлиги билан харидорлар хисобланади.

— Қорхонада бажарган ишимизга қараб маош тўланади, — дейди жамият ишчиси Нодира Норбосова. — Бундан ташқари, қорхона томонидан қўшимча овқат пули берилади. Узоқдан келадиганларга автоулов ажратилган. Оиламиз бюджетига пешона тери билан топган даромадим қўшилаётганидан хурсандман.

— Ҳозирча "Сардоба текстиль" МЧЖ хомашёни хўжаликлардан сотиб олаётган бўлса-да, келажакда қўшимча ишчи ўринлари яратиш эвазига хомашё етиштирадиган хўжалик ташкил қилиш режамизда бор, — деди Н.Абдураҳмонов.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига мувофиқ Оқ олтин туманида 2019-2020 йилларга мўлжалланган 16 та лойиҳа шакллантирилган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 182 миллиард 241 миллион сўмни ташкил этади.

Ўтган йили умумий қиймати 20,6 миллиард сўмлик 10 та лойиҳа ишга тушди. Натижада 52 та янги иш ўрни яратилди. Туманда қиймати 5 миллиард 400 миллион сўмга тенг текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган яна бир "Ақбар текстиль" МЧЖ иш бошлади. Мазкур қорхонада 45 та янги иш ўрни яратилган.

Туман марказидаги "Кўркам диёр" маҳалласида қад ростлаган "SUB DRY" МЧЖ полиз ва мева маҳсулотларини

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига мувофиқ Оқ олтин туманида 2019-2020 йилларга мўлжалланган 16 та лойиҳа шакллантирилган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 182 миллиард 241 миллион сўмни ташкил этади. Ўтган йили умумий қиймати 20,6 миллиард сўмлик 10 та лойиҳа ишга тушди.

қайта ишлашга ихтисослаштирилган бўлиб, Марказий Осиёда ягоналиги билан ажралиб туради. Қорхона директори ўринбосари Улуғбек Қодиров энг замонавий технологияларнинг ишлаш жараёнлари ҳақида сўз юритди. Улкан камерада қрўн, қулпуня, лимон каби полиз ва мева маҳсулотлари юқори ҳароратда қиздирилиб, вакуум ёрдамида

суви сўриб олинади. Қоқи ҳолига келган табиий маҳсулот қадокланиб, харидорларга ташкил этилади. Қуритилган маҳсулот сувга солинса, ўз табиий ҳолига келади. Маҳсулотдаги барча фойдали элементлар сақланиб қолади.

— Бу жараён анча мураккаб, — дейди Улуғбек Қодиров. — 10 тонна хомашёдан 1 тонна тайёр маҳсулот олинади. Тайёр маҳсулотнинг нархи ҳам шунга яраша банд бўлади. Қорхона тўлиқ қувват билан ишлаш бошлаганда яна 50 нафар ёшлар иш билан таъминланади.

2019 йилда тумандаги қорхоналар 4 миллион 217 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларни хорижга сотишгани эътирофга молик.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида ҳам ишлар қизғин давом этмоқда. Тумандаги "Янги давр", "Аҳиллик", "Кўркам диёр" маҳаллаларида 5 миллиард 902 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилган. Бунёдкорлик "Обод" ва "Саховат" маҳаллаларида давом эттирилади.

Медиа-тур якунида туман ҳокимлигида матбуот анжумани ташкил этилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга туман мутасаддилари жавоб қайтаришти. Тадбир давомида "Оқ олтин" газетасининг бош муҳаррири Абдурашид Пардаевага Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари топширилди.

Холмурод САЛИМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ!

Газета, журнал ушламаган қўллар



Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг лицей ва мактабларида таҳсил олаётган 11-синф ўқувчи қизларининг катта кўча ўртасида бир-бирини ураётгани, тепаётгани, сочларини юлаётганини интернет тармоқлари роса айланттирди. Энг ажаблантириши уларни мактаб ўқувчилари тасвира олиб, энг уятли гапларни бўрлатиб, қўшимчасига "Ур!", "Оч бикинига теп!" — деган "илҳомбахш!" сўзлар билан қўллаб-қувватлаб туришган.

Бир мактабда "А" ва "Б" синф қизлари бир-бирлари билан ёқалашиб кетган, муштлашув охирида, чизма-чизлик дарсида ишлатиладиган церкулни параллел синфда ўқийдиган қизнинг бўйига тирагани, бошқа бир мактабда кучини қаерга ишла-тишни билмай фаррош аёлни дўппослаётган ўқувчилар, ўқувчисига қўл кўтарганлар... ҳоказо, ҳоказолар...

Ўтган йили хусусий телеканаллардан бирида "Ховли" деган турк фильми намойиш этилган эди. Турк турмалари ҳаётини акс эттирувчи фильм бошдан оёқ аёлларнинг бир-бирини ҳақоратлаши, ваҳшиларча каттаклаши, ўлдириб юбориши акс этган саҳналардан иборат эди. Мен Яшнобод туманидаги мактаб қизларининг муштлашув ҳолатида айнан "Ховли" турк сериалининг таъсири ва тақорини кўргандек бўлдим. Ўша тажовузкор гуруҳ, ўша бақир-чақирлар, ўша ҳайвонларга хос ёввойи чинқириқлар. Бу маънавий оғуни баъзи ота-оналар болалари, ўсмир қизлари билан бирга ўтириб телеэкранларимизда кўрмадимиз?

Биз ўсмир қизларимизнинг этини қотириб бўлдиқ.

Сўхбат чоғида маълум бўлдики, бу яқин орада у зўравон йигитларнинг, тажовузкор қизларнинг бирортаси қўлига газета ва журнал ушламаганлар. Ҳаттоки, улар газета ва журналларнинг нима мақсадда чоп этилишини ҳам билишмайди. Улар ахлоқсизлиқни чет эл сериаллар-ю ўзимизнинг киностудиялар ишлаган алпамбоз машиналарда, гўё Ўзбекистон кўчаларида совуқ қўролдан бир-бирига ўқ узаётган "қахрамон-

лар"дан кўрмоқда. Айтинг-чи, яхшилар бир-бирлари билан ёқалашиб одам-одамга ўқ узаёпти? Бу сохта, зўрма-зўраки ўйлаб топилган ваҳший тасвирларингиз-у, чўнтагингизни қаппайтириш учун тинимсиз бераётган чет эл сериалларингиз бугун қўлтирмаганда ўз "мевасини" бера бошлади. Шундай экан, сиз ўз тармоқларингизда хирсу ҳаваснинг шайтоний базминини қачон тўхтатасиз?

Қўлига китоб, газета, журнал ушламайдиغان ёшлар кекса бобо ва бувиларидан уялмай телевизордан фақш тариготи ўзларига сингдириб олмақдалар. Яширинча интернет тармоғидан маиший бузқўлиқни ўрганмоқдалар. Айниқса, қиз болалар берилувчан бўлади, деган гап бор.

Фарзандларимиз, гўр ўғил-қизларимиз интернетдаги ботқоқга кириб кетмаслиги учун ибод-ҳаё, ҳалоллик каби фазилатлар билан ҳимояланган бўлиши керак. Бу ҳимояни у китобдан, газета ва журналлардан олади. Японияда ҳам, Кореяда ҳам, Италияда ҳам, АҚШда ҳам одамлар тонгини газета ўқиш билан бошлашар экан. Уларда шундай нашрлар борки, бир кунда икки-уч марта чоп этилади. Метрода, автобусларда телефонга эмас, газетга термулган одамларни кўриб дилинг яйрайди.

Ўқимаслик натижасида зоҳир бўлган ахлоқсизлик ортидан худбинлик, бесабрлик, дангасалик, бағридошлик, қаноатсизлик, очқўзлик каби иллатлар ўз-ўзиндан қатор бўлиб хонадонингиздан бахтни қувиб чиқаради.

Газета ва журнал оқ қоғоздан арал-

ган. Келинг, шу оқлик билан ўсмирларнинг осмон каби улкан қалбидан губорларни артиб ташлайлик. Келинг, шу оқ қоғоз билан уларнинг қўзларидан гадрларни опайлик!

Бугун газета ва журналдан, китобдан узоқлашган оилаларга ёвузлик кириб олаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Огоҳ бўлайлик! Газета, журналлардан — маърифатдан, маънавиётдан, яхши одамлар суҳбатидан маҳрум, кеккайган эркактой боланинг борар жойи зулматдир.

Улар бунга лойиқ эмас. Фарзандларимиз илмлилар, бахтиёрлар қаторида бўлсин. Қизингизнинг қўлига газета тутқазинг, токи бу нозик қўллар эртага кўчада соч юлишмасин, ўглингизнинг қўлига журнал беринг, токи бу қўллар синфдошнинг бурнини қонатишни ўрганмасин. Яхшиларга қўшилсин.

Ўйларга вақтли матбуот кирмай қўйди. Китоб, газета, журнал ушлаган қиз боланинг қалбиди ўз-ўзиндан самимият, покизалик, меҳр булоқлари кўз оча бошлаяпти.

Энг аввало ўзимиз газета, журнал ўқийлик, намуна бўлайлик. Улар биздан маънавиятнинг ўргансин.

Азиларим! Биз нимага бунча ёт сериалларга муқаммиздан кетдик. Минг афсуски, бугун матбуотга обуна бўлишни ўзларича "мажбурий, номажбурий" дея ақллилик қилаётганлар, ўзларини "адолатпарвар, ҳуқуқларвар"дек тутайтганлар ёшларимизнинг эртасини, келажакни нечоғли ўйлайтилар? Эртага, индинга кеч бўлмасин, бунинглаб етиш наҳот шу қадар мушкул бўлса?!

Зулфия МҲМИНОВА.

ТАХРИРИЯТГА ХАТ

Яратганга минг бор шукрки, ота-боболаримизга армон бўлган дориламон кунларни — Мустақилликни кўриб, яшаб юрибмиз. Ёшим 81 да. Кейинги йилларда мамлакатимизда бўлаётган ёруғ ўзгаришларни кўриб, фахру гурурга тўлиб яшайпмиз. Қарангки, ислох бўлмаган соҳа кам қолди. Ўзгариш, юкса-лиш ҳар жабҳада кўринади. Аммо шу билан бирга, ҳаётимизнинг баъзи бир оғриқли нуқта-лари ҳам борки, уларни ҳам шитоб билан ўзгартириб, ислох қилсак ёмон бўлмасди.

Дўппи

Киймай қўйди одамлар

Биз дунёвий давлатмиз, аммо 100 йиллик истибод азоблари оқибатида ўзлугимиз, қадриятларимизга анча путур етди. Баъзи миллий урф-одатларимиз йўқолаёзди ҳам. Президентимизга раҳмат, отамерос қадриятларимизни тиклаётми. Аммо минг урина-ниш ҳамон давом этмоқда.

Яқин-яқинларгача бош кийимсиз юриш уят ҳисобла-нарди. Кекса-ю ёш, улуг шо-ирларимиз чиройли тарифла-ганидек, дўппи кийиб юра-ди. Энди-чи, ҳатто "Қайга бор-сам бошда дўппим, ғоз юра-ман гердайиб", деган вақтлар-гўё ўтиб, "дўппи киймай қўйди одамлар", дея ёзган шоир,

куйлаган ҳофизларимизнинг ўзлари ҳам дўппи киймай қўйишди. Мен уйлайман ўзини ўзбекман деган ориятли, гурур-ли инсон, албатта, бош кий-им айтилик, дўппи кийиб юрса нимаси ёмон? Инсон таш-қи қиёфаси билан қайси мил-лат эканлиги билинади, бошқа миллатдан ажралиб туради.

Мана, араблар, қаерда бўлмасин кийимидан дарров таниб оласиз. Ён қўшимиз, қондошимиз қирғизлар ҳам катта-катта анжуманларда ўз миллий кийими — қалпоқда кўриниш беради. Бизда-чи? Европача кийиниш мадания-ти чоризмдан кириб келу-в-гўё ўтиб, "дўппи киймай қўйди одамлар", дея ёзган шоир,

маҳв этиб бўлди.

Шаҳарни-ку қўятурайлик, ҳатто, қишлоқларимизда ҳам (менга ўхшаган кексаларни айтмаса А.Ф.С) дўппи кийиш расм-русумдан чиқиб кетди. Ҳатто, неварра-чеварали, ёши 60-70 ни қоралаб қолганлар ҳам ҳижолат бўлмасдан, бош кийимсиз юришга ўтди. Таъзия, маросимларга ҳам ялангбош бораётганлар кўпайди. Хуллас, дўппини ташлаб, унинг ўрнига гарб-нинг кепка (шапка)сини кий-иш урфга айланди. Ҳар бир воҳа ёки водийнинг ўзига хос, бир-биридан ўтказиб, сал-пал фахрлиниб айтиб ту-радиган дўпписи бор. Воҳа, Чуст, Фарғона, Андижон дўпписи дегандай... Энди, демокриманки, айрим ёш-ёш қиз-жувонлар кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда очик-сочик, беҳаёлларча юришларига ўрганиб ҳам қолдик. Бу ҳақда нима дейишни ҳам билмайсан...

Каминани яна бир муаммо ўйга толдиради: бу муаммо исм-шарифларимизга таал-луқли. Юртимизга бостириб кирганлар тазйиқи билан биз ҳам улардан -ова, -ева,

ШАҲАРНИ-КУ
ҚЎЯТУРАЙЛИК, ҲАТТО,
ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА
ҲАМ (МЕНГА ЎХШАГАН
КЕКСАЛАРНИ АЙТМАСА)
ДЎППИ КИЙИШ
РАСМ-РУСУМДАН
ЧИҚИБ КЕТДИ.
ҲАТТО, НЕВАРА-ЧЕВАРАЛИ,
ЁШИ 60-70НИ ҚОРАЛАБ
ҚОЛГАНЛАР ҲАМ БЕЗРАЙИБ,
ЯЛАНГБОШ ЮРИШГА ЎТДИ.
ТАЪЗИЯ, МАРОСИМЛАРГА ҲАМ
ЯЛАНГБОШ БОРАЁТГАНЛАР
КЎПАЙДИ.


-ов, -ев, -евич, -ович қўшим-чали шарифни, яъни фамилия-ларни ўзлаштириб олдик. Энди мустақилмиз, ота-бобо-ларимиз қилган ишни қилсак ҳеч ким урушмас... Наҳотки, орадан қарийб ўттиз йил ўтиб ҳам ўша тажовузкорлар ёпиш-тирган тамгалардан қутула ол-масак... Ўзга миллат вакилла-ри бизнинг исм-шарифлари-мизни, майли ўз талаффузи-га кўра ёзиб, айтаверишсин.

Бирок биз бундай қилишдан ўзимизни тияйлик. Ҳатто, ом-мавий ахборот воситаларимиз — ёзма нашрларимиз ҳам бу борада ижодига гар-бийлашиб ёндашади. Газета-ларда ўқиб қоламан Мирза-х-ўжаевни Мирзаҳаджаев, Йўлдошовни Юлдашев, Аҳма-довни Аҳмедов деб ёзишга-нини, улар ҳам истибод дав-рини тарғиб қилишдан чар-чамаяпти, мисол десангиз, ана газеталарни варақлаб кўринг, топасиз. Мен мунтазам ўқиб борадиган "Даракчи" га-зетасининг шу йил 16 январь сонидан Ж.Артикхаджаев, А.Иганбердиев, 23 январь со-нида Низамхаджаев, Қўшакба-евич, Аимбекович, Қўчқаров, Ахмеджанов сингари исм-ша-рифлар қалашиб ётибди.

Истагим, юқорида баён қилинган мулоҳазалар кенг жамоатчилик — халқ муҳока-масига ташланса, бу борада оммавий ахборот воситалари ташаббусни ўз қўлларига олса, эҳтимол, бу ҳақда қонун қабул қилинар.

Абдул Ғани СОЛИЕВ,
Андижон вилояти, Олтиқўл
тумани, Сарой-2 МФЙ,
Мирфайз кўчаси, 23-уй.

QISHLOQQURILISHBANK



АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Барча юрtdошларимизни

Наврўзи олам

билан муворакъод эмади!

Фурсаддан фойдаланиб, сизга янги уй олиш учун қулай шартлардаги ипотека кредитларини таклиф этамиз.

Ипотека кредити муддати 15 йил

Кредит фоизлари:

Қишлоқ жойларда — 20 %

Шаҳар жойларда — 21 %

Тошкент шаҳрида — 22 %

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурोजаат учун: (+99878) 150-93-39

Веб-сайт www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

ҚОНИНГИЗ НЕЧАНЧИ ГУРУҲ? Тождор вирус қон саралапти...

Хитойлик олимлар 2000дан ортиқ беморларнинг қон таҳлил-ларини олиб текширишди ва иккинчи гуруҳга мансуб одамларда корона-вирус билан касалланиш эҳтимоли кўпроқ эканини аниқладилар.

Биринчи гуруҳдаги қон эгаларига бошқаларга қараганда ушбу инфек-ция камроқ юқаётгани тасдиқланган. Тадқиқот натижалари "MedRxiv" электрон илмий қутубхонасида эълон қилинган.

Ҳозирги кунда дунёда 182 мингдан ортиқ коронавирус билан касалланиш ҳолати қайд этилган, 7000дан ортиқ киши инфекция қурбонига айланган.



КОРОНАВИРУС ВАКЦИНАСИ ВА 45 НАФАР КЎНГИЛЛИЛАР

АҚШ шифокорлари 16 март кунни коронавирусга қарши вакци-нанинг клиник синовларини бошла-дилар.

Маълумотларига кўра, синовлар Соғлиқни сақлаш миллий институт-лари ва "Moderna" фармацевтика компанияси мутахассислари томонидан Сизтлдаги (Вашинг-тон штати) тадқиқот марказларидан бирида ўтказилди. АҚШнинг айнан шу штатда коронавирус инфекцияси энг кўп қайд этилган. Агентлик маълумотларига кўра, эмлаш "экспериментал дозасини оладиган 45 нафар соғлом ёш кўнгиллиларда" синовдан ўтказилади.

"Намуналарда вирус мавжуд эмас, шунинг учун тадқиқот иштирокчиларига вирус юкмайди", дейилмоқда. Шифокор-лар ушбу тестлар "кенгроқ синовларга ўтиш учун имкон яратади" деб умид қилишмоқда.



102 Ёшли АКТРИСА ҲАЁТ БИЛАН ВИДОЛАШДИ

Француз актрисаси ва кўшиқчиси Сюзи Делер вафот этди. Машҳур актриса 102 ёшда қариялар уйида дунёдан ўтди.

Таъкидланишича, актриса 1940 йилларда машҳурликка эришган. Унга "Қотил ... №21 уйда яшайди" фильмидаги роли шуҳрат келтирди.

Шунингдек, "Ёқубнинг саргузаштлари", "Рокко ва унинг ака-укалари", "Хотин-қизлар тикувчиси" каби фильмларда ўйнаган роллари томошабинлар томонидан севиб қабул қилинган. Францияда фашистлар истилоси даврида Мюнхен ва Берлиндаги киностудияларга таклиф қилинган. Бу учун у уруш туғатч, уч ойга ишдан четлатилган.



НЕФТ НАРХИ 31 ДОЛЛАРГАЧА ПАСТЛАДИ

Шимолий Европанинг йирик молиявий гуруҳларидан бири Нордеа Банк таҳлилчилари фикрича, молия бозоридаги қўрқув туфайли нефт нархи бошқа рискли активлар қатори кескин пастлаб кетди.

Нефт нархига босим, шунинг-дек, ОПЕК + келишувини бозор-да талаб ва таклиф мувозанатини сақлаш учун узайтирилмаслиги билан изоҳланади. 6 март кунни ОПЕК + келишувининг тарафлари иккинчи чоракда ишлаб чи-қариш ҳажмини пасайтириш тўғрисида келиша олмадилар. На-тижада, давлатлар 1 апрелдан бошлаб хомашё қазиб олиш бўйича барча чекловларни бутунлай олиб ташладилар.

Рискли активлар бозорида сотиш нуқтаи назаридан, Brent маркали нефт нархлари келгуси кунларда бир баррел учун 30 долларга баҳоланиши мумкин, дея тахмин қилинмоқда.



ҚОЧКИНЛАРНИНГ АРОСАТДАГИ 18-КУНИ

Европа Иттифоқининг гарбий қисмига чиқиш умидида бўлган қочқинлар Туркия ва Греция чегара-ларини кесиб ўтишда давом этмоқда.

Греция ҳудудига киришга муваффақ бўлганлар мамлакат ичкарига ўтиб кетишган. Греция ҳарбийлари қоч-қинларни тўхтатиш учун сув тўплари, қўздан ёш окизувчи газ ва ҳарбий ўқлардан фойдаланишда давом этмоқда. Улар томонидан қочқинларни яланғочлаб калтаклашлари, пул ва телефонларини тортиб олиб Туркия ҳудудига қайтишга мажбурлаш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Қочқинлар Греция расмийлари чегарани очишига умид қилиб, 18 кун давомида назорат пунктларида кутиб ўтирибди. Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган, Франция Пре-зиденти Эммануэл Макрон ва Германия канцлери Ангела Меркель қочқинлар билан боғлиқ вазият юзасидан уч то-монлама учрашув ўтказди. Қочқинларнинг кўпи саммитнинг натижаси уларга Европа Иттифоқига киришга ёрдам беради деб умид қилмоқда.



Интернет хабарлари асосида Г.МАТЕҚУБОВА тайёрлади.

Юлдашева Сайёра Туробовнага Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ) томонидан 1993 йил берилган ИВ № 763114 рақамли ва 2011 йилда Тошкент давлат юридик институти томонидан берилган В№ 569884 рақамли дипломлар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



**Жонажон дидримизга барчамиз
орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл,
баҳор ва гўзаллик байрами —
Наврўзи олам кириб келмоқда.**

**Ана шу қутлуғ айём — Шарқона янги йил билан
барча юртдошларимизни
Агробанк жамоаси чин юракдан
самимий муборакбод этади.**

**Сиз азизларга,
сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака ва иқтисодий
фаровонлик тилаймиз!**




www.agrobank.uz
Телефон: 71-203-88-88.
Agrobank Mobile иловасидан юклар олиг.
Хизматлар лицензияланган.

/AgrobankChannel

/agrobankuzbekistan

Download on the App Store



GET IT ON Google Play



Хизматлар лицензияланган.



30
йил
сиз билан бирга!

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва
янгилини байрами Наврўз айёми билан муборакбод этади!
Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган
барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли
кунларимиз бардавом бўлсин!

Байрам муносабати билан миллий ва хорижий
валютада пластик карталарни таклиф этамиз.




www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz turonbank

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

Реклама



21
Март

Ўзсанотқурилишбанк жамоаси
Ўзбекистон аҳлини Наврўзи олам билан қутлайди!
Баҳор нафаси, Наврўз шуқуҳи йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин!

Хизматлар лицензияланган



Республика ўрта тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари малакасини
ошириш ҳамда ихтисослаштириш Маркази
Са.марқанд филиали жамоаси

мамлакатимиз халқини ва
барча меҳнаткашларини
яқинлашиб келаётган улуғ айём —
НАВРЎЗ
билан қутлайди!

Юртдошларимизга
Наврўз шуқуҳи бахту
саодат, тинчлик ва
хотиржамлик,
дастурхонларига
тўқинлик
олиб келишини
чин юракдан
тилаб қоламиз!
Наврўз байрами
барчамизга
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!



✓ РИВОЯТ

Қадим замонда Сурхон воҳасида Наврўзойим исмли малика бўлиб, у илму маърифатда, ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган экан. Унинг довруғи узок-узок юртларга тарқалибди.

Наврўзойим

Ёки Сангардак шаршараси

Буни эшитган ўзга юрт подшоҳи маликанинг ҳусну жамолига гойибдан ошиқу беқарор бўлиб, унга совчи юборибди. Малика эса тақлифни рад этибди. Бундан ғазабланган шох маликанинг юртига кўшин тортиб, ҳужум бошлабди. Жангда шох голиб келиб, маликанинг юртини вайронага айлантирибди. Малика қирқта хос навқари билан қочиб, тоғу тошларга беркиниб омон қолибди. Сўнг Сангардак тоғлари этагида жойлашган Наврўздара оралигида кўним топибди.


Аммо шох бундан хабар топиб, яна лашкар жўнатибди. Бу жангда маликанинг хос навқарлари ҳам ҳалок бўлишибди. Элидан, навқарларидан айрилган малика Яратганга таваққал қилиб, Сангардак дарёси бўйлаб, тоғу тошлар оралаб қоча бошлабди. Малика тоғ ошган сайин дара қисқариб борар, ортидаги душман тўдаси яқинлар эди. Шунда душман-

лардан қутулишнинг чорасини тополмаган малика: "Эй, Яратган эгам мен ҳаётда покиза яшадим, энг сўнгги кунимда ҳам даргоҳингга покиза кетишни истайман. Мени ёвлар чангалидан халос этгин", дея Аллоҳга нола қилибди. Кўп ўтмай Аллоҳнинг қудрати ила малика қоялар ичида душман кўзидан гойиб бўлибди...

...Кексаларнинг айтишича, улкан қоялар бағридан отилиб чиққан Сангардак шаршараси Наврўзойимнинг кўз ёшлари, кишин-ёзин кўкариб турадиган сўмбўттол навалари сочининг толалари экан...

Ҳозирги кунда шаршара атрофида маликанинг қабри бўлмаса-да, унинг шарафига рамзий қабртош ўрнатилган. Бу афсоналарга бой гўшани зиёрат қилиш учун жуда кўплаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар келишади ва улкан мўъжизавий шаршара камалагидан баҳра олади.

Ҳабибулло САИДБАҚОСОВ.



✓ ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Кутилмаганда юмушим кўпайиб ишга барвақт чиқолмадим. Бекатда жонсарак турсам, ёнимга "Матиз" автомашинаси келиб тўхтади. Собиқ ўқувчим Жамол экан. Қувониб кетдим.

Савобнинг бутуни яхши

— Ассалому алайкум, устоз. Фалон жойгача чиқволақолинг, — деди меҳрибонлик билан.

Жамолни мактабда беш йил ўқитганман. Уйи ҳам кўчанининг охирида. Йўл-йўлакай гаплаша туриб, беихтиёр икки-уч бор кўл соатимга қараб қўйдим.

— Ишга кечикяпсиз, шекилли. Сал вақтлроқ чиққанингизда автобусга улгурардингиз, — деди у.

— Э, уйнинг иши ҳеч тугамайди, югуриб-елиб соатга ҳам қарамабман. Акси бўлади-да ўзи, бугун вақтлроқ боришим керак эди, — дедим хўрсиниб.

— Ташлаб қўядим, молларга кунжарага кетяпман, — деди у хотиржамгина. Тепасига "Емхона" деб ёзилган бино ёнига келгач машинасини гийқиллатиб тўхтатди.

— Майли, опа, яхши етволдинг, — деди у.

Мен раҳмат айтиб машинадан тушдим. Яна машина кута бошладим. "Аслида катта йўлгача беш дақиқалик



ЯНА МАШИНА КУТА БОШЛАДИМ. "АСЛИДА КАТТА ЙЎЛГАЧА БЕШ ДАҚИҚАЛИК ЙЎЛ ҚОЛГАНДИ. ЖАМОЛИ ТУШМАГУР ОЛИБ ЧИКИБ ҚЎЙСА ҲЕЧ НАРСА ЙЎҚОТМАСДИ-КУ", ДЕБ ЎҚУВЧИМНИНГ ХАРАКАТЛАРИДАН РАНЖИРКАНМАН...

йўл қолганди. Жамолни тушмагур олиб чиқиб қўйса ҳеч нарса йўқотмасди-ку", деб ўқувчимнинг ҳаракатларидан ранжирканман, негадир ўзимдан хафа эдим. Тўғрида, балки мактабда турли фанлар қатори одамийлик, оқибат каби инсоний хислатлардан ҳам сабоқ берганимда, балки ҳозир шу аҳволда қолмасдим. Ахир беш йил мобайнида уларга қанча вақтимни, асабимни, билимимни сарфладим, уларни ҳаётда ўз ўрнини топишига баҳоли қудрат ҳисса қўшганим-ку. Наҳотки энди шунинг қадри, хурмати бўлмаса?..

Бироқ майли, ҳар ҳолда шу ергача олиб келиб қўйдик, инсофи бор экан, танимаганга солиб ўтиб кетса нима қилардим. Ахир қуни-кеча ўзига тўқ оилада катта бўлган собиқ ўқувчим билан автобусда чаққаклашиб кетувдик, мактаб даврини, менинг меҳрибончилиқларимни завқ билан эслади. Бироқ, ўз бекатига етиб келганида, шошилиб тушиб кетди, хайр дейишни ҳам унутди. Мен эса меҳнатларимдан миннатдор бўлиб, ўқувчим учун ҳам йўл ҳақини тўлаб қўя қолдим. Ана шу хаёл менга таскин бўлди...

Қўшнинг ҳақи

— Келин, сомса пишибди-а, ёқимли ҳиди хонамгача борди, димоғимга ёқди, келяпман, — деди Хадича опоқи тандирдан сомса узаётган келинига яқинлашиб.

— Ёпиша ёпиб бўлдим. Улсин, бир-иккитаси оқиб тушди-да, — деди келини қовоғини солиб. Чунки қайнонаси гап нишабини қаёққа бураётганини сезиб турарди.



— ҒАЛАТИСИЗ-ДА, ОЙИ, БИР УЙ ОДАМ БЎЛСАК. БИР САВАТ СОМСА УЧТАДАН Ё ЕТАДИ Ё ЕТМАЙДИ. ҲОЗИР ТЎРТТАСИНИ БУ ОПОКИГА, ТЎРТТАСИНИ У ОПОКИГА БЎЛСАМ, ЎЗИМИЗГА ҚОЛМАЙДИ-КУ.

— Ҳечқиси йўқ болам, тандир ҳам ўз ҳақини олиб қолади-да, оби-оташ деб қўйибди бунди, ўша тўқилганни баракасини Худойим бошқаларига беради. Болам, сомсадан тўрттагинасини Мухаммадалидан Зарофат холангизнига чиқариб юборинг. Савоб бўлади. Хаста одам...

— Ғалатисиз-да, ойи, бир уй одам бўлсак. Бир сават сомса учтадан ё етади ё етмайди. Ҳозир тўрттасини бу опокига, тўрттасини у опокига бўлсам, ўзимизга қолмайди-ку. Нима, Зарофат опоқини уйда қозон қайнамайдими. Бирор марта сизга илинмайди-ку, — тўнгулади келини. — Бор товогим, кел товогим, борсанг-у келмасанг ўртада син товогим, дейишган, ойижон.

— Қўйинг, шу товоқ ўлгурини. Ўртоғим бетоб бўлса, балки келинига гапи ўтмас. Сиз мени эси кўп келинимсиз. Келиб-келиб қовоқ сомсага торлик қиласизми, — деди Хадича хола.

— Э, болаларимни ризқини қийиб эсли бўлмай қўя қолай...

— Майли, аччиғингиз чиқмасин. Мен ейдиган сомсани сочқика ўраб беринг. Дугонамни қўриб, бир пиёла чой баҳона бироз кўнглимни ёзиб келаман. Оқибат кўтарилмасин...

Мухаббат ҲАМИДОВА.

✓ АНЖУМАН

Мукофот — 50 000 АҚШ доллари!

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг 2019 йил 14 сентябрдаги "Ҳуқуқ, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбек-концерт" давлат муассасаси томонидан Самарқанд шаҳрида "Раҳбар кадрларнинг эстрада санъатини ривожлантиришда, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни: муаммо, ечим ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси раҳбари Одилжон Абдуқаҳоров эстрада санъати олдида турган айрим муаммолар, уларнинг ечими, хонандаларнинг одоб-ахлоқи, тўйларда ижро этилаётган аксарият қўшиқларнинг миллий менталитетимизга тўғри келмаслиги, хонандаларнинг беўхшов хатти-ҳаракатлари, шовқин-суроннинг авж олиб кетиши ва бошқа муаммолар, камчиликлар ҳақида сўз юритди.

Жумладан: "Баъзан тўй-ҳашамларга лицензиясиз санъаткорлар ҳам бориб қолапти. Бунинг олдини олиш, улар билан тегишли тартибда шартнома тузишда ижро маҳоратини белгилаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига қиради. Ёш истеъодларни излаб топиш ҳамда кашф этишда жонли ижронинг аҳамияти, саводхонлиқни кучайтириш, хонандаларнинг ижодий фаолиятида, уларнинг репертуарини асл қўшиқлар билан бойитиш, пишиқ, халқчил ва ғоявий-бадий жиҳатдан мукамал шеър танлашларини назоратга олиш, уларга яқиндан

қўмаклашишни кучайтиришимиз керак", — деди О.Абдуқаҳоров.

Айни пайтда, истеъодли талабалар ва ёрқин овоз эгалари бўлган ёшлар учун "Ўзбек-концерт" давлат муассасасига тегишли овоз ёзиш студиялари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари бепул хизмат кўрсатиши йўлга қўйилган. Истеъодли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз фаолиятини қонуний асосда бошлашлари учун бепул лицензиялар тақдим этилаётди.

Шунингдек, анжуманда "Миллий" телеканали билан ҳамкорликда юртимизда илк бор "Asian Top Band" халқаро мусиқий лойиҳаси доирасида кастинг ва саралаш босқичлари ўтказилаётгани, мазкур лойиҳада голиб бўлганлар фестивалнинг 50 000 АҚШ доллари миқдоридagi гул мукофотига эга бўлиши маълум қилинди.

Анжуман якунида иштирокчилар мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси матбуот хизмати.

✓ РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

✓ ТАФАККУР

Кўзи суқ(оч) учун бутун дунё ҳам кифоя қилмайди, борига қаноат қилувчи киши бахтиёр яшайди.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Сен кечириб хислатини ўзингга шнор қил, атрофингдагилардан арзимас гуноҳлари учун юз ўғираверма!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

Афу деб кечурмакни айтилур. Бир киши қилган камчиликларини бўйнига оллуб, ўқуниб, кечурмакни сўраса, афу қилмак лозимдур. Чунки афу яхши хулқларнинг афзали, инсонларнинг ақмалидур.

Абдулла АВЛОНИЙ.

